



CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE

eISSN: 2660-6828 | Volume: 04 Issue: 06 June 2023
<https://cajlpcentralasianstudies.org>

Хоразмий Даҳосига Таъзим

Мehriniso Rахmonova Тошпўлотовна

*Zарmed Universiteti, Тиллар кафедраси ўқитувчиси
rakhmonovamehriniso@gmail.com*

Received 4th Apr 2023, Accepted 5th May 2023, Online 27th June 2023

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Заминимизда яшаб ўтган буюк аллома Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин–Мусо Хоразмий ҳақида фикр юритилади.

Буюк шахс нафақат математик олим, балки сўз илмининг донишманди, шоир сифатида ҳам таҳsinga сазовордир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “Бугунги кунда одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимизга келтирас эканмиз, беихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади”.

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ТУШУНЧАЛАР: донишмандлик, ахлоқ, одоб, одат, тарбия, меҳр-оқибат, илм-фан, тараққиёт, самимилик, иззат-хурмат, андишалик, ҳалоллик, муҳаббат, одамийлик, жасурлик, сахийлик.

Кириш. Шарқ Ренессанси деганда, IX–XI асрларда мусулмон Шарқида, илм-фан, фалсафа, маданият ривожланган давр тушунилади. Ал-Маъмун халифалик қилган даврда (813–833) давлат илм-маърифатнинг ўсишига ҳомийлик қилди. Бағдодда, сўнгра Дамашқда, астрономик обсерваториялар курилди. Осиёлик олимлар бу обсерваторияларнинг ишларида, шунингдек, Бағдодда, ташкил этилган "Байт ул-ҳикма" ("Донишмандлик уйи") илмий ишларида фаол иштирок этдилар. Бағдодда араблар ва боша ҳал вакиллари билан бир қаторда, самарали ижодий иш олиб борган олимлардан машҳур **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бин–Мусо Хоразмий**, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад бин–Абдулла Марвозий, Аббос бин–Саид Жавҳарий ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Улар "Донишмандлик уйи" нинг илмий фаолиятида жуда муҳим ўрин тутдилар.

Шу билан бирга, IX–XI асрлардаги Шарқ Ренессанси ёрқин вакиллари: **Наршаҳий, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб** ва бошқалар илм-фан, маърифат ва маънавиятнинг ривожига катта ҳисса қўшганлар. Айниқса, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига

жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожи учун ўз вақтида мустаҳкам асос яратгани умуминсоний тараққиёт ривожида қандай катта аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Асосий қисм. Хоразмнинг асл фарзанди, илм аҳлининг бобоколони Абу Абдуллоҳ (Абу Жаъфар) Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, ал-Мажусий ал-Қатраббулий Хоразмнинг маданий марказларидан бири бўлмиш Хива шаҳрида 783 йилда оташпараст муғлар оиласида дунёга келди. Бўлғуси олим болалик ва ўсмирлик йилларида бошланғич таълимни ватанида олиб, араб, форс, хинд ва юнон тилларини қунт билан ўрганди, бу тиллардаги китобларни мутолаа қилди ва эл назарига тушиб олим бўлиб етишди.

Хоразмий «Синд Ҳинд», «Зизи Хоразмий», «Астролябия бўйича рисола», «Қуёш соати ҳақида рисола», «Ернинг шакли ҳақида китоб», «Тригонометрик жадваллар», «Музика бўйича рисола», «Тарих ҳақида» ва бошқа асарларнинг муаллифи. Унинг буюк хизматларидан бири Европа ва Яқин Шарқ илмини қадимги хиндернинг ўнлик тизими билан таништириди. Уни Европада «Алгаритмус» деб юритганлар¹. Алгоритм эса унинг лотинча номидир.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда: “Бугунги кунда одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютукларини кўз олдимизга келтирас эканмиз, беихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади”².

Бағдоддаги «Байт-ул Ҳикма» илмий марказида фаолият кўрсатган. У ерда илмий раҳбар бўлиб ишлаган. Аллома илму фан соҳасида бир қанча шоҳ асарлар яратган ва инсоният амалиётига қўйидаги оламшумул илмий-амалий янгиликларни киритган:

1. Ал-Хоразмий алгебра фанининг асосчиси ва бекиёс кашфиётчисидир. Олим бир қанча китоб ва рисолаларнинг муаллифи бўлиб, булардан энг машҳури алгебра фанига оид «Китоб ал жабр ва ал-муқобала» асаридир.

Бу асар янги алгебра фанининг вужудга келишига замин бўлди. У тенгламаларни ечишнинг икки усулини - ал-жабр, яъни қарама-қарши ишораларни ягона мусбат ишорага келтириш ва ал-муқобала, яъни бир хил ҳадларни қарама-қарши қўйиш (тенглама) ни кашф этди. У бу асарида, тарихда биринчи марта алгебра фанининг миқдорлари устидан бажариладиган амалларнинг умумий қонуниятларини ўрганадиган бўлимини яратди. Ал-Хоразмийнинг «Ал-Жабр» асари, ўрта асрлар Оврупосида араб тилидан ва араб тилидан «Алгабр....» шаклида ўғирилди, кейинчалик «алгебра», деб ўқила бошланди. Бу асар биринчи марта, лотин тилига 1145 йилда таржима қилинган. XIX-XX асрлар давомида инглиз, француз, олмон ва бошқа тилларда чоп этилган. 1964 ва 1983 йилларда рус ва ўзбек тилларида нашр этилган.

2. Ал-Хоразмий алгоритмнинг кашфиётчисидир, яъни бир турдаги масалаларнинг бирор синfiga мансуб ҳар қандай конкрет масалани соғ механик равища ечишга имкон берувчи қоидалар тизимини, тарихда биринчи марта, тузиб берган. «Алгоритм» сўзи «ал-Хоразмий» сўзининг ўрта аср Оврупо фанида ўқилишидир (дастлабки таржимонлар арабча ёзилган «ал-Хоразмий»ни «алгоритм» деб, лотинчага ўғирганлар). Ал-Хоразмийнинг фан ва амалиётдаги ўчмас хизмати шундан иборатки, аллома, космонавтика, атом электроника, иқтисод, халқ хўжалигининг, ҳаётнинг

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 – том. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000 йил. 521 – бет.

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й., Б. 41.

хар бир соҳасида бошқариш тизимларини тузишда, электрон хисоблаш машиналари ҳамда компьютерлар оиласишини яратишда асос ва замин бўлиб хизмат қиладиган қоидалар мажмуини ишлаб чиқсан. Техника, фан, технология ва умуман ҳаёт мураккаблашган сайн, алгоритмнинг аҳамияти ошиб бормоқда.

3. Ал-Хоразмийнинг «Ҳинд хисоби бўйича китоб», «Астрономик зийж», «Ер сурати ҳақида китоб» асарлари, XI-XII асрлардаёқ, лотин тилига, XIX-XX асрларда эса ҳозирги замоннинг энг кенг тарқалган тилларига ўтирилган, зеро ал-Хоразмий ўз асарларини ўша замон мусулмон мамлакатларида барча фанларнинг умумий тили бўлган араб тилида ёзган эди. Бу асарлар, деярли, ўн икки аср давомида, барча мусулмон мамлакатларида ва, қарийб, минг йил давомида, Оврупо мамлакатларида фанга, амалиётга, инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

1983 йили, ЮНЕСКО қарори билан, Муҳаммад ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик юбилейи ўтказилди. Ҳозирги пайтда, Ўзбекистон Фанлар академияси қошида «Алгоритм» институти, мамлакатимиз пойтахтида «Алгоритм» заводи ишлаб турибди.

Буюк шахс нафақат математик олим, балки сўз илмининг донишманди сифатида ҳам таҳсинга сазовордир.

Хоразмий — XIV асрда яшаб, туркий ва форсий тилда ижод этган шоир ҳамдир. Бироқ бизга унинг асосан ўзбек, қисман тожик тилида битилган биргина «Муҳаббатнома» асари етиб келган.

Нома — ўзбек мумтоз адабиётининг жанрий қўринишларидан бири. Лугавий жиҳатдан бу форсий сўз «хат», «мактуб» деган маънони англатади.

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си ўзбек мумтоз адабиётидаги нома жанрининг илк ёрқин намунаси саналади. Албатта «Муҳаббатнома» фақат номалар йиғиндиси эмас, унда ғазал, қитъа, фард каби кичик лирик жанрларга хос асарлар ҳам мавжуд.

«Муҳаббатнома»да шоирнинг ўзи қайд этишича, Олтин Ўрда хони Жонибекхоннинг Сирдарё музофотидаги ҳукмдорларидан бири Муҳаммад Хожабек форсий тилда шеърлар ёзиб, машҳур бўлган Хоразмийдан: «Бу қиши менинг ёнимда юриб, бизнинг тилда (яъни туркийда) бир китоб ёзсанг», — деб илтимос қиласи:

МУҲАББАТНОМА

Тун оқшомким, кўрунди байрам ойи,

Муҳаммад Хожабек — давлат ҳумойи.

Буюрди, ўзга шодурвон урулди,

Қадаҳ келтирдилар, мажлис қурулди.

Ҳусайний пардаси узра тузуб соз,

Муғаний бу ғазални қилди оғоз...



Хулоса килиб айтганда. нома жанрини бошлаб берган мазкур асар ўзбек адабиётининг ривожида уни янги босқич олиб чиқилишида муҳим рол ўйнаган асар бўлиб хизмат килди. Шунингдек, бу асар Хоразмийнинг ушбу асари ўзбек мумтоз шеъриятини бадиий жиҳатдан янги босқичга олиб чиққанлиги билан хам алоҳида ўрин тутади.

Георг Сартон (1884-1956) Ал-Хоразмий ҳақида қўйидаги фикрларни билдирган: «...у фақатгина ўз вақтининг буюк математиги эмас, балки бутун инсоният тарихидаги буюк олимдир». БиБиСи телеканали бошловчиси эса Ал-Хоразмийга бағишлиланган ҳужжатли фильм якунида: “Бугун биз қаерда ва қачон бўлишимиздан қатъий назар, кофе ёки чой устида хоҳлаган кишимиз билан интернетда эркин мулоқот қилганимизда, ёки веб саҳифаларни кузатаётганда, ёки чегараланмалан ҳажмдаги ахборотларни сақламоқчи бўлганимизда, барча янги хай-тек технологияларининг ривожида ўчмас из қолдириган Марказий Осиёнинг деярли таниш бўлмаган чеккасидан бўлган Ал-Хоразмий исмли киши турганинги эсдан чиқармаслигимиз керак ва хаёлан унга миннатдор бўлишимиз шарт” дея хулоса килди.

Хулоса. Хуллас, Шарқнинг буюк мутафаккири, қомусий олими Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг илми адабиёт, нужум, геодезия, жуғрофия, айниқса риёзиёт соҳасидаги хизматлари бекиёсdir. Олим араб, ҳинд, лотин, юнон, форс тилларини яхши билган. Алломанинг ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани ва шу асосда аниқ фанлар ривожи учун мустаҳкам асос яратгани, умуминсоний таракқиёт ривожида қандай катта аҳамиятга эга бўлганини барчамиз яхши биламиз. Бугунги кунда одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютукларини кўз олдимизга келтирас эканмиз, беихтиёр ана шу буюк бобомиз мисолида бундай юксак мэрраларга эришишда ўзбек ҳалқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан қалбимиз ифтихорга тўлади. Муҳаммад ал-Хоразмийдек машҳур аждодимиз Ўзбекистонимизнинг фахри бўлиб, унинг ёди доимо юрагимиздадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 йил. Б. 42.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 – том. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000 йил. 521 – бет.
- Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10 – том. Т.: Давлат илмий нашриёти, 2000 йил. 523 – бет.
- Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й., Б. 41.
- Tashpulatovna R. M. Ahmad Donish's Testament to His Children and About Profession (Based on the Work "Nawodir Ul-Waqa'e") //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2023. – T. 4. – №. 5. – С. 335-339.